ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУКАДИРОВА НАСИБА АЛИМЖАНОВНА

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МЕДИАСАВОДХОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ (B2)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Жиззах – 2021

УЎК: 37.043.2:811.111

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)on pedagogical sciences

Абдукадирова Насиба Алимжановна
Инглиз тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантириш (B2).....5

Абдукадирова Насиба Алимжановна
Формирование медиаграмотности на занятиях по английскому языку (B2)..21

Abdukadirova Nasiba Alimjanovna
Development of medialiteracy in English classes (B2)…….....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….....43

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУКАДИРОВА НАСИБА АЛИМЖАНОВНА

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МЕДИАСАВОДХОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ (B2)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Жиззах – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped1319 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек. рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.jspi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Махкамова Гульнара Турдахуновна** педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ахмедова Лайло Талибжановна** педагогика фанлари доктори, профессор
	Ашуров Шахобиддин Саидович филология фанлари номзоди,доцент
Етакчи ташкилот:	**Чирчиқ давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 рақамли кенгаш қошидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «___»_____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 4. Тел: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz Жиззах давлат педагогика институти. Бош ўқув бино, 2-қават, маърузалар зали).

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 4. Тел: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «___»_____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф. Н. Жўрақулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., доцент

Н. Х. Кушвақтов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

О. Х.Туракулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятида ахборот оқимларининг кўпайиши билан ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари мутахассисларини медиасаводхонликка бўлган эҳтиёжи ошиб бормоқда.Сўнгги йилларда инглиз ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўргатиш, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида медиатаълимнинг ўзига хос хусусиятлари, медиасаводхонликни шакллантириш воситалари ва усулларини ўрганиш таълим жараёнида медиатехнологиялар ва медиаматнлардан фойдаланиш ўта муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Касбга йўналтирилган таълим контекстида чет тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантириш методологияси, шунингдек ўрганилаётган чет тилда ишлатиладиган оммавий ахборот воситаларининг методик-мазмуний томони юртимиз илм-фанида назарий ва амалий жиҳатдан кам ўрганилганлиги ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини кўрсатади. Ушбу муаммони бартараф қилишнинг аҳамияти шундан иборатки, «ҳозирги кунда касбий фаолиятни ташкил этишнинг инновацион шаклларини ўзлаштирган, миллий дунёқарашга эга бўлган, вазифа ва муаммоларни ҳал қила оладиган, чет тилларини биладиган, илмий ишлар олиб борадиган ва чет тилларини ўқитиш методикасини такомиллаштира оладиган мутахассислар талаб этилади»[1].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чет тилларни ўқитиш тизими сифатини халқаро стандартларга мувофиқ тарзда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани мазкур тадқиқот муаммосининг долзарблигини белгилаб беради. Медиатаълим ва медиасаводхонликни ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни чет тилларни ўқитишнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўрганиш ҳамда миллий контекстда ўрганилаётган тилда медиасаводхонликка ўргатиш методик тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш нофилологик ОТМ талабалрининг медиасаводхонлик даражасини яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон «Рақамли ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Исоқхон Ибрат номли мактаб-интернатдаги нутқи. Электрон манзил: http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhm. Мурожаат санаси: 05.07.2019 й.

тўғрисида», 2019 йил 19 июлдаги 606-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий тадқиқотчиларнинг асарларида медиа таълими, медиа саводхонликни шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинган. Хусусан, илмий адабиётларда медиа таълими ва ахборот маданияти хусусиятлари R. Aufderheide, P. Greenway, A. Silverblatt, W.J. Potter, R. Hobbs, Т.Н. Ле-Ван, Н.П. Рыжих, А.В. Федоров, В.Л. Колесниченко асарларида[2]; медиасаводхонликнинг таркибий ва мазмун хусусиятлари ҳамда медиа компетенцияси ва уни шакллантириш усуллари P. Gilster, R. Kubey, Н.Ю. Хлызова, Е.В. Мурюкина, Е.А. Столбникова, Н.В. Чичерина, Д.В. Залагаев, П.С. Котляр[3] ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Н.В. Чичеринанинг ишларида медиатаълим тушунчаси асосланади ва филологик йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари учун чет тилидаги медиаматнлар асосида медиасаводхонликни шакллантиришнинг самарали усуллари таклиф этилади[4]. Танқидий фикрлаш мавжуд тадқиқотларда медиасаводхонликнинг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида

---

[2] Aufderheide P. Media Literacy.// A Report of the National Leadership Conference on Media Literacy. – Aspen Institute, Communications and Society Program, 1992; Greenway P. Media and Arts Education: A Global View from Australia. In: Media Literacy in the Information Age. – New Brunswick and London: Transaction Publishers, 1997. P.187-198; Silverblatt A. Media literacy: Keys to interpreting media messages. –Westport, CT: Praeger, 2001; Potter W. J. Media literacy. –Thousand Oaks, CA: Sage, 2001, 2008; Hobbs R. The state of media literacy education. //Journal of Communication. 2005, No 55. P. 865-871; Ле-Ван Т. Н. Формирование информационной культуры школьников в процессе анализа рекламного текста: Дисс. …. к.п.н. – М.: МПГУ, 2005; Рыжих Н.П. Медиаобразование студентов педагогического вуза на материале англоязычных экранных искусств: Автореф. дисс. … к.п.н. – Ростов-на-Дону: Таг.ГПИ, 2006; Федоров А.В. Медиакомпетентность личности: от терминологии к показателям // Инновации в образовании. 2007, № 10. – С. 75-108; Колесниченко В. Л. Становление и развитие медиаобразования в Канаде: Автореф. дисс. …. к.п.н. – Ростов-на-Дону: ТГПИ, 2007.

[3] Gilster P. Digital literacy. – New York: Wiley, 1997; Kubey R. Media Literacy in the Information Age. – London: New Brunswick, 1997; Хлызова Н. Ю. Педагогические условия формирования медиа- компетентности вторичной языковой личности: Дисс. … к. п. н. – М.: 2001; Мурюкина Е.В. Формирование медиакультуры старшеклассников: На материале кинопрессы: Автореф. дисс…. к.п.н. – Белгород, 2005; Столбникова Е.А. Развитие критического мышления студентов педагогического вуза в процессе медиаобразования: На материале рекламы: Дисс. … к.п.н. – Ростов-на-Дону: Таг.ГПИ, 2005; Чичерина Н.В. Концепция формирования медиаграмотности у студентов языковых факультетов на основе иноязычных медиатекстов: Дисс. …. д.п.н. – СбП, 2008; Залагаев Д. В. Развитие медиаграмотности учащихся в процессе обучения информатике: Автореф. дисс…. к.п.н. – Омск: ОГПУ. 2005; Котляр П.С. Социальные предикаты новомедийного субъекта в дискурсе медиаграмотности**:** Автореф. дисс. … канд. философских наук. – Казань: Институт социально-философских наук и массовых коммуникаций Казанского (Приволжского) федерального университета, 2018.

[4] Чичерина Н.В. Концепция формирования медиаграмотности у студентов языковых факультетов на основе иноязычных медиатекстов: Дисс.. ... докт. пед. наук. – СбП, 2008.

таърифланади. Ушбу масала Е.И. Федотовскаянинг ишларида танқидий фикрлашни ижтимоий-сиёсий мавзулар асосида ривожлантириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилган[5].

Мамлакатимизда педагогика фанида медиатаълим, талабалар ва бўлажак ўқитувчилар ўртасида медиа маданиятини ривожлантириш, компьютер технологияларидан фойдаланиш усуллари, шунингдек медиа компетенциясини шакллантириш масалаларини Б.Э. Қаршиев, Ш.Н. Тайлақова, Н.Р. Рустамова, С.И. Кулмаматов, С.С. Бабаджанов, И.М. Расуловлар[6] тадқиқ этишган.

С.С. Бабажановнинг ишларида медиакомпетенциянинг таркибий қисмлари ва уларни шакллантириш усуллари аниқланган бўлса, И.М. Расуловнинг тақиқотларида лойиҳалаш тамойиллари ва кейс материаллари асосида талабалар ўртасида лойиҳалаш маданиятини шакллантиришнинг самарали методологияси ишлаб чиқилган.

Д.М. Тешабоеванинг[7] ишларида медиа воситалари тилининг ўзига хослиги тадқиқ этилган бўлиб, унда муаллиф томонидан нутқ маданияти тамойиллари ишлаб чиқилган, медианинг функционал-коммуникатив ва культурологик хусусиятлари ўзбек тили турли медиажанрлари материаллари асосида аниқланган.

Ф.Б. Қиличева ва Г.Н. Ирмухамедоваларнинг[8] ишлари бевосита нофилологик йўналишдаги олий ўқув юртларида тилларни ўқитиш масалаларига бағишланган. Жумладан, Ф.В. Киличева томонидан ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган ва нофилологик олий ўқув юртлари талабаларига рус тилини ўқитишда лексик тренинг ишлаб чиқилган. Г.Н. Ирмухамедова томонидан юқори курс талабалари учун инглиз тили дарсларида иқтисодий матнларни танқидий ўқишга ўргатишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган ва электрон мақолалар тавсия қилинган.

Мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, чет тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантириш муаммоси асосан медиаматнларни танқидий қайта ишлаш ва медиасаводхонликни ёки медиа-компетенцияни шакллантириш, яъни, филологик ва нофилологик ОТМлар талабалари томонидан медиаматнлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш

---

[5] Федотовская Е.И. Методика развития критического мышления как важного фактора формирования иноязычной коммуникативной компетенции в специализированных вузах: На примере общественно-политической тематики, английский язык: Дисс…. к.п.н. – М.: РАО Институт содержания и методов обучения, 2005.

[6] Каршиев Б.Э. Жамияат хавфсизлиги ва баркарорлигини таълимлашта медиатаълимнинг урни: PhD автореф. дисс. – Т., 2020.; Тайлакова Ш.Н. Укувчи-ешлар маънавиатини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш: PhD дисс авторефераті. – Т., 2018; Рустамова Н.Р. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари медиамаданиятини ривожлантириш технологияси: DS дисс.авторефераті. – Т., 2019; Кулмаматов С.И. Мустакил таълимни ташкил этишда компьютер технологияларидан фойдаланиш методикаси: П.ф.н. … дис. автореф. – Гулистон: ГулДУ, 2008; Бабаджанов С.С. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси: DS дисс авторефераті. – Т., 2019; Расулов И. М. Развитие культуры проектирования студентов посредством компьютерных технологий: Автореф. дисс…. к.п.н. – Т.: ТГПУ, 2018.

[7] Тешабоева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутк маданияти аспектида тадқиқи (Узбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Докт. диссертация автореф. – Т.: УзДЖТУ, 2012.

[8] Киличева Ф.Б. Методика использования новых педагогических технологий при обучении русскому языку студентов неязыковых вузов: Автореф. дисс. … к.п.н.. – Т.: УзГУМЯ, 2008; Ирмухамедова Г.Н. Лингводидактические основы обучения критическому чтению аутентичных текстов (на старших курсах экономических вузов): Дисс. … канд. пед. наук. – Т.: УзГУМЯ, 2008.

нуқтаи назаридан ҳал қилинади. Шу билан бирга, медиасаводхонликни ўқитиш бўйича ижобий хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатдики, медиасаводхонлик турли хил ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, ҳар хил турдаги медиа маҳсулотларни тушуниш ва тайёрлашни таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларининг лингвистик ва жанр хусусиятларини ўргатишни ўз ичига олади. Шу муносабат билан, нофилологик факультетлар доирасида кўрилаётган муаммо мамлакатимиз лингводидактикасида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари йўналишига мувофиқ ҳамда № 71-07 рақамли «Олий ўқув юртларида маънавий ва касбий баркамол шахсни шакллантиришнинг педагогик технологиялари» лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантиришнинг интеграциялашган методикаси ҳамда ўқув воситаларини асослаш ва ишлаб чиқиш орқали нофилологик олий ўқув юртларида мутахасси тайёрлаш сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: чет тилини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда замонавий шарт шароитларини ҳисобга олган ҳолда медиатаълимнинг хорижий тажрибасини ўрганиш ва медиасаводхонликнинг таркибий қисмларини модификация қилиш;

касбий таълимнинг миллий контекстида ўрганилаётган тилда медиасаводхонликни шакллантириш методик тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

нофилологик ОТМлари бошланғич курс талабаларининг дарсларида медиасаводхонликни шакллантиришнинг услубий асослари ва самарали воситаларини аниқлаш;

нофилологик ОТМларининг 1-2 курс талабаларининг медиасаводхонликни шакллантиришнинг интегратив моделини ва уни инглиз тили дарсларида самарали амалга оширишнинг дидактик воситаларини ишлаб чиқиш;

яратилган дидактик воситаларни нофилологик ОТМларининг 1-2 курсларида инглиз тилини ўқитиш амалиётида синаб кўриш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Гулистон давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ва Андижан давлат университети нофилологик факультетларнинг 1-2 курсларида медиасводхонликни шакллантириш ва инглиз тилини ўқитиш жараёни танланган.

Тадқиқот предметини нофилологик ОТМларининг 1-2 курс талабалари учун инглиз тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантиришнинг медиавоситалари, ёндашувлари, методлари ва усуллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда социологик ва педагогик метод (кузатиш, таҳлил қилиш, фактларни тўплаш, чет тил ва медиасаводхонликни ўқитиш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш, анкета ва суҳбатлар ўтказиш); тавсифловчи ва қиёсий (медиа-матнларнинг жанр

дифференциациясини кўриб чиқиш, ўзаро боғлиқ тилларнинг ўхшаш бўлмаган лингвистик ва маданий бирликларини таққослаш); лойиҳалаш ва моделлаштириш усули (дидактик восита ва моделлари ҳамда назорат воситаларини ишлаб чиқиш); педагогик эксперимент методи (экспериментал ўқитиш, диагностика ва назорат воситалари); статистик методлардан (олинган миқдорий маълумотларни қайта ишлаш) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

нофилологик факультетлар талабаларига чет тилини ўқитишнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда медиасаводхонлини шакллантиришнинг таркибий-мазмуний компонентларига қадрият-семантик компонентини киритиш орқали такомиллаштирилган;

чет тили дарсларида талабаларнинг медиасаводхонлигини шакллантиришнинг «медиа ҳақида ←→ медиа матнлар ўртасидаги ўзаро алоқа ←→ мулоқот жараёнида медиамаълумотлардан фойдаланиш» тузилмаси асосида уч компонентли модели ишлаб чиқилган;

медиаматнлар жанрларнинг ўзига хослиги ва лингвистик қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда инглиз тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантиришнинг медиавоситалари аниқланди;

ахборот маконини кенгайтириш ва медиатехнологияларни ривожлантириш замонавий воқеликларига мос равишда хорижий тилларни махсус мақсадлар учун ўқитиш методикаси (ESP) такомиллаштирилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

нофилологик ОТМларининг 1-2 курс талабаларига инглиз тилини ўқитиш мазмуни медиасаводхонликни шакллантириш ва коммуникатив компетенцияни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида такомиллаштирилган;

чет тилини ўқитиш воситалари медиатехнологиялар ва махсус яратилган ахборот, операцион ва мотивацион топшириқлар тизими орқали такомиллаштирилган;

ўқув материаллари ишлаб чиқилган муаллифлик моделига мувофиқ шакллантирилган ва тажриба машғулотлари давомида синовдан ўтказилган “Interaction with mediatexts and Internet technologies” ўқув модули шаклида таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг методологик асослари тадқиқот придмети ва объектига мос келадиган турли тадқиқот усулларидан фойдаланиш орқали муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, илмий адабиётлар ва медиа таълим амалиётини танқидий таҳлил қилиш, нофилологик ОТМларда медиасаводхонликни шакллантириннинг назарий қонуниятларини ўрнатиш, тадқиқот жараёнида эмпирик маълумотларни текшириш орқали олинган далиллар ва хулосалар билан таъминланади**.**

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Илмий аҳамияти тадқиқот материаллари ва хулосаларидан чет тилларни ўқитиш методикаси, ахборот назарияси ва коммуникация назарияси соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш жараёнида фойдаланиш мумкинлигидан иборат;

тадқиқот натижалари нофилологик университетлар шароитида чет тилини ўзлаштириш жараёнларини янада чуқур тушуниш ва тавсифлаш, ахборот

маконини кенгайтиришга ва медиа ҳамда медиа технологияларининг бошқа жанрлари материаллари бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишга имкон беради;

Амалий аҳамияти тадқиқот натижалари Ўзбекистондаги нофилологик ОТМларда чет тилларни ўқитиш методикасини янада ривожлантиришга муайян ҳисса қўшади;

турли хил медиа воситалар асосида амалга оширилган комплекс ёндашув, медиасаводхонликни шакллантириш ва чет тил коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг интеграллашган услубий қонуниятларини аниқлашга имкон беради;

тадқиқот натижалари ўқув дастурлар ишлаб чиқиш, дарсликлар яратиш ва нофилологик ОТМларнинг 1-2 курс талабаларига инглиз тилини ўргатиш амалиётида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Нофилологик ўқув юртларининг 1-2 курс талабалари медиасаводхонлигини шакллантириш ва коммуникатив компетенциясини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган назарий, услубий ва амалий таклифлар асосида:

диссертация илмий хулоса ва тавсияларидан Алишер Навои номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети бакалавриат талабалари учун инглиз тили бўйича “Grammar” ва “Speaking” ўқув қўлланмаларини яратишга мўлжалланган ФЗ-201908172 рақамли «Ўзбек тилини ўқитиш корпусини яратиш» амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 05 февралдаги 02-15/749 рақамли маълумотномаси). Натижада махсус мақсадлар учун инглиз тилини ўқитиш (ESP) дастурининг сифати яхшиланди;

диссертация материалларидан чет тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантиришнинг «медиа ҳақида ←→ медиа матнлар ўртасидаги ўзаро алоқа ←→ мулоқот жараёнида медиамаълумотлардан фойдаланиш» уч компонентли ўқитиш структураси формуласи асосида яратилган самарали модели Гулистон давлат университетида Арканзас Спринг Халқаро Тил Маркази (Arkansas Spring International Language Centre) билан биргаликда амалга оширилган «Инглиз тили салоҳиятини ошириш лойиҳаси» (Small grand “English language capacity building project”) доирасида фойдаланилган (Гулистон давлат университетининг 2021 йил 26 февралдаги 01-30-13/21 рақамли маълумотномаси). Натижада ахборот ресурсларини тарқалишининг замонавий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг медиасаводхонлиги ва чет тил коммуникатив компетенция сифати ошди;

инглиз тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантиришнинг самарали моделлари, ёндашувлари, тамойиллари, усуллари ва методлари медиаматнларнинг жанр ўзига хослиги ва медиа билан ишлаш жараёнида дуч келадиган қийинчиликларга оид хулоса ва тавсиялардан инглиз тили дарсларида медиа саводхонликни шакллантиришга мўлжалланган "Interaction with mediatexts and technologies" моделини тадбиқ қилишда ҳисобга олинган ва «Обучение английскому языку посредством СМИ» ўқув-услубий қўлланма кўринишида тақдим этилган ишлаб чиқилган нофилологик ОТМда чет тил дарсларида медиасаводхоликни интеграллашган ҳолда шакллантириш модели, кўрсатма ва

материаллардан талабалар томонидан инглиз тилини ўқитиш амалиётида фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат университетининг 02-07-3964/04 рақамли маълумотномаси). Натижада ўқув материаллари янгиланган ҳамда нофилологик йўналиш 1-2 курс талабаларининг медиасаводхонлиги ва инглиз тилини билиш даражалари ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш нашр қилинган, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув-услубий қўлланма, 11 та мақола докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини нашр қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда, улардан 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий иш мавзусининг долзарблиги, республика фан ва технологияларининг устувор йўналишлари билан унинг боғлиқлиги, илмий иш мавзуси бўйича миллий ва хорижий адабиётларнинг умумлаштирилган қисқача маълумотлари кўриб чиқилган, илмий ишнинг мақсад ва вазифалари, унинг объекти ва мавзуси аниқланган, тадқиқот методлари кўрсатилган, илмий ишнинг янгилиги аниқлаштирилиб, унинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, диссертацион тадқиқотни амалга ошириш, нашр этиш ва ишнинг тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда чет тил билан медиасаводхонлик интеграциясининг назарий ва амалий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида оммавий ахборот воситалари (ОАВ) функциялари, медиа таълим хусусиятлари, медиасаводхонликнинг мазмуни ва таркибий жиҳатлари ўрганилган.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги функциялари аниқланган: информацион; операцион ва мотивацион; билим ва тарбиявий; таъсир ўтказувчи, кўнгилочар ва мафкуравий. Ушбу функцияларни ҳисобга олиш таълим амалиётида муҳим аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари ихтисослиги тил бўлмаган йўналишлари бўйича талабаларнинг чет тил коммуникатив компетенциясини ривожлантириш ва такомиллаштиришда самарали ва аутентик восита ҳисобланади, чунки улар нафақат маълумот манбалари, балки ёш авлодга таълим бериш ва тарбиялашнинг кучли воситаси сифатида ҳам фаолият юритади. Шунга қарамай, медиа таълимнинг асосий вазифалари талабаларни замонавий ахборот маконида ҳаётга тайёрлаш, уларга таъсир этувчи функцияни англаган ҳолда турли хил маълумотларни қабул қилиш ва тушунишга тайёрлаш, шунингдек

ушбу воситалар орқали алоқа усулларини ўзлаштиришдир. Бу шуни англатадики, оммавий ахборот воситалари билан ишлашда унинг ёшларга таъсирини енгиш учун аксиологик компонентни кучайтириш зарур.

Медиасаводхонлик ва медиакомпетенцияни тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда медиасаводхонлик кенг маънода тушунилади ва ахборот саводхонлиги, медиатаълим ва ахборот-коммуникация компетенцияси билан боғлиқ. Ушбу тадқиқотда медиасаводхонлик деганда биз медиа маҳсулотларни турли хил мақсадларда тушуниш ва ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан медиа-ахборот ва Интернет-технологиялар билан ишлаш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар тўпламини тушунамиз. Шу билан бирга, медиа-технологиялар ва медиа-матнлар билан ишлаш жараёнида медиасаводхонликни шакллантириш мулоқот маданиятини шакллантириш билан чамбарчас тарзда олиб борилиши жоиз. Медиа саводхонликнинг турли моделларини умумлаштирган ҳолда (Gilster, 1997; Hobbs, 2005, 2006, 2007; Adams & Hamm, 2006; Manuel, 2002; Potter, 2008; Quinlisk, 2003; Арутюнов, 2012, Чичерина, 2008; Chun-Chun Yeh, 2010; Dvorghets & Shaturnaya, 2015), медиасаводхонлик таркибига биз қуйидаги компонентларни киритамиз: 1) когнитив, 2) коммуникатив ва қадрият-семантик.

Ушбу бобда ўқитувчилар ва талабаларнинг чет тил дарсларида медиасаводхонликни ўргатиш заруриятидан келиб чиқадиган долзарб муаммолар ва эҳтиёжлар, шунингдек тадқиқ этилаётган муаммо доирасида нофилологик ОТМларда чет тилларни ўқитишнинг методик-услубий тизимидаги камчиликлар ҳам ёритилган. Давлат таълим стандарти ва чет тиллар бўйича дастурлар таҳлил қилинганда, нофилологик ОТМларда оммавий ахборот воситаларининг кўп турлари ёки улар билан боғлиқ вазиятларнинг таълим жараёнига жалб қилиниши кузатилади, аммо оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим жанрлари кўздан четда қолмоқда ва улар ўрганиш объекти сифатида тадқиқ қилиниши мақсадга мувофиқ.

Диссертацион тадқиқотнинг **«Инглиз тили дарсларида** нофилологик **факультетларнинг бошланғич курсларида медиа саводхонликни шакллантиришга комплекс ёндашув»** деб номланган иккинчи бобида биз медиасаводхонлик ва коммуникатив компетенциянинг интеграциялашган ҳолда ўқитиш моделини ишлаб чиқилган модель асосида инглиз тили дарслари, технологиялари ва нофилологик ОТМларда инглиз тилини ўқитишнинг бошқа дидактик воситаларини тавсифлаймиз ва асослаймиз.

Инглиз тили дарсларида медиасаводхонликни ўқитишнинг асосий услубий қоидалари сифатида биз чет эллик олимлар фойдаланадиган «медиа-ресурслар орқали, медиа материаллар ёрдамида ва оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятлари (through media, with media, and about media)» моделини олдик (Adams & Hamm, 2006; Chun-Chun Yeh, 2010).

Ушбу элементларнинг мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда биз чет тил дарсларида медиасаводхонликни ривожлантиришнинг қуйидаги моделини таклиф қиламиз: «медиа ҳақида ←→ медиа матнлар ўртасидаги ўзаро алоқа ←→ мулоқот жараёнида медиамаълумотлардан фойдаланиш».

1-расмда муаллиф модели ва унинг услубий компонентлари ўз ифодасини топган.



1-расм. Нофилологик ОТМда чет тил дарсларида медиасаводхоликни интеграллашган ҳолда шакллантириш модели

Ўқитиш модели (муаллифлик дастури) қурилиши компетентлик ёндашувга асосланган бўлиб, ўқиш давомида биз маълум компетенцияларни (биз кўрсатган медиасаводхонликнинг таркибий қисмларидаги билим, кўникма ва қобилиятларни) назарда тутамиз. Ушбу компетенцияларни ривожлантириш учун тавсия этилган моделимизнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биз вазифалар тамойиллари ва тизимида (информацион, операцион, мотивацион вазифалар) акс эттирилган турли технологияларни интеграция қилишимиз лозим.

Таклиф этилаётган модель доирасида ўқитиш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлди: 1) ўқув материалининг аутентлилиги (медиаматнлар); 2) медиа материаллари асосида маъноларни аниқ ифодалаш ва маъно алмашиш; 3) медиа воситасида коммуникатив фаолиятни фаоллаштириш; 4) медиа матнларининг таъсир қилувчи функциясига урғу бериш; 5) танқидий фикрлашни ривожлантириш.

Муаллифлик моделини амалга ошириш учун мавзулар ва дидактик материаллар танлаб олинди ва қуйидаги тамойилларга мувофиқ тарзда йўлга қўйилди: 1) тематик шартлилик; 2) касбий мувофиқлик; 3) медиасаводхонликни ўзлаштириш учун ахборот қиймати ва жанр хилма-хиллиги; 4) оммавий ахборот воситаларидаги айрим жанрларининг талабалар орасида кенг тарқалганлиги ва долзарблиги; 5) она тилида сўзлашувчиларнинг билим базасини қамраб оладиган турли хил тушунчалар ва фреймларнинг акс этиши; 6) талабалар учун қизиқарли ва уларни рағбатлантирадиган долзарб, муаммоли масалалар мавжудлиги;

7) талабаларнинг когнитив хусусиятлари ва тил нуқтаи назаридан тайёргарлигини ҳисобга олиш; 8) таълимни технологиялаштириш, яъни интернет технологияларидан кенг фойдаланиш.

«Нимани ўргатиш керак» атамасидаги ўқув материалларининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш мақсадида муаллифлик моделининг асосий элементлари сифатида инглиз тили дарсларида медиасаводхонликни шакллантиришда фойдаланиш мумкин бўлган энг оммабоп медиа жанрларини аниқлаб олдик (телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли фильмлар, янгиликлар, интервью, реклама ва эълонлар, форумлар, конференция ва вебинарлар).

Ҳар бир мавзу ушбу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ва билдирилаётган ахборотни тушунишда коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш, уни турли хил нутқ фаолиятида қўллаш вазифалари ҳақида маълумотларни ўз ичига олади. Ҳар бир мавзу бўйича ўрганилаётган тилда медиасаводхонликни ўзлаштиришга қаратилган вазифалар тақдим этилади.

«Тадқиқотнинг тажриба-экспериментал қисмини ташкил этиш» деб номланган учинчи бобда педагогик эксперимент ўтказишнинг босқичлари ва асосий усуллари баён этилган.

Тадқиқот базаси сифатида тўртта университет танланган: Гулистон давлат университети (ГулДУ), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика

университети (ТДПУ), Навоий давлат университети (НавДУ) ва Андижон давлат университети (АндДУ).

Биз яратган медиасаводхонлик ва коммуникатив компетенцияни интеграциялашган ҳолда ўқитишнинг педагогик модели самарадорлигини тасдиқлаш бўйича экспериментал ишлар вақт нуқтаи назаридан моделлаштирилиб, тўрт босқичда олиб борилди.

1-босқич – назарий, амалий ва эмпирик англаб тушуниш (2017-2018 йй.);

2-босқич – констатация ва қидирув-лойиҳалаш (2017-2018 йй.);

3-босқич – ўқитиш (2018-2020 йй.);

4-босқич – умумлаштириш (2020-2021 йй.).

Ўқув экспериментидан олдин ва унинг давомида мутахассислиги тил бўлмаган талабалар билан диагностик тадбирлар ўтказилди. Диагностика медиасаводхонлик даражасини аниқлаш мақсадида 1) 2-босқичда констатация босқичи (2018й.); 2) 1-босқичдаги биринчи назорат босқичи (2019 йил май); 3) 2-босқичда якуний назорат (2020 йил май) оралиғида назорат топшириқлари орқали амалга оширилди.

Ишчи ***гипотеза*** сифатида инглиз тили дарсларида медиасаводхонликни коммуникатив компетенцияни ривожлантириш билан интеграциялашган ҳолда шакллантириш интернет технологиялари ва медиа-матнлардан, шунингдек медиа-матнлар билан ишлаш учун махсус ишлаб чиқилган методлардан кенг ва доимий тарзда фойдаланилган тақдирда муваффақиятли бўлади, деган ғоя илгари сурилган.

Ўқув экспериментининг мақсади муаллифнинг ўқув моделини амалга ошириш ва ишчи гипотезани тасдиқлаш мақсадида ишлаб чиқилган дидактик воситаларнинг сифатини аниқлаш бўлган. Ўрганилаётган жараёнларнинг сифати медиасаводхонликдаги ўзгаришлар динамикаси ва нолисоний ОТМлар факультетларининг 1-2 босқичларида коммуникатив компетенция даражаси асосида кузатилди.

Ўқитиш учун медиа-матнлар, шунингдек босқичлар орасидаги назорат қилиш ва баҳолаш воситалари ***тажрибанинг ўзгармайдиган шартлари*** этиб белгиланган.

Тажрибанинг ўзгарувчан шартлари сифатида: талабалар сони, турли олий ўқув юртлари ва мутахассислик йўналишлари, ўқитиш ва назоратни амалга ошириш оралиғидаги вақт, таклиф қилинган моделни амалга ошириш учун модул кўринишида ишлаб чиқилган ўқув материали олинган.

Экспериментал ўқитишнинг мезон-диагностика аппарати сифатида биз қуйидагиларни олдик:

1) баҳолаш мезони – медиа-матнлари билан ишлашда танқидий фикрлашнинг шаклланганлик даражаси;

2) медиа-информациядан фойдаланишда ижодкорлик даражаси (олинган маълумотларни қайта ишлаш ва қайд этиш, шунингдек, ундан янги мулоқот шароитида фойдаланиш);

3) лойиҳа ва моделлаштириш - инглиз тилида ўз медиа-маҳсулотини мазкур жанрнинг таркибий ва контент таркибий қисмларига мувофиқ тарзда лойиҳалаш ва яратиш қобилияти.

Экспериментгача ўтказилган тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга асосланиб биз экспериментал ўқитиш учун қандай материал кераклигини аниқладик ва “Interaction with mediatexts and technologies” ўқув модулини ишлаб чиқдик. Бу гипотезанинг тўғрилигини текшириш учун биз нафақат ўқув материалини, балки баҳолаш мезонларини ҳам тайёрладик. Олинган натижалар миқдорий ва сифат нуқтаи назардан қайта ишланди.

Олинган тажриба натижаларининг холислиги ва ишончлилигини текшириш учун биз Пирсоннинг $\chi 2$ мезонини танладик.

1-расмдан аён бўладики, экспериментал гуруҳларда ўртача балл назорат гуруҳларига нисбатан юқори, шунинг учун ҳам тажриба гуруҳи иштирокчилари бажарган иш натижалари юқори. Экспериментал гуруҳлардаги ўртача кўрсаткич назорат гуруҳи натижаларидан 1,11 баробар баландлигини кўриш мумкин.



1-расм. 1 босқич тажриба ва назорат гуруҳлари талабалари орасида ўтказилган экспериментдан сўнг олинган ўртача баҳолар диаграммаси

(чизмадаги жумлалар таржимаси – средний показатель – ўртача кўрсаткич; контрольная группа – назорат гуруҳи; экспериментальная группа – тажриба гуруҳи)

2-расмдан экспериментал гуруҳларда ўртача балл назорат гуруҳларига нисбатан юқори эканлигини кўриш мумкин, шунинг учун ҳам тажриба гуруҳи иштирокчилари бажарган иш натижалари юқори. Экспериментал гуруҳлардаги ўртача кўрсаткич назорат гуруҳи натижаларидан 1,15 баробар баланд.



2-расм. 2 босқич тажриба ва назорат гуруҳлари талабалари орасида ўтказилган экспериментдан сўнг олинган ўртача баҳолар диаграммаси

Ўзлаштириш коэффициентини ҳисоблаш учун билим даражаси юқори ва ўртача талабалар фоизи аниқланди. Биринчи босқичдаги назорат гуруҳида бундай талабалар сони 121 (13+108) бўлиб, бу 52%ни ташкил қилди, тажриба гуруҳидаги бундай талабалар сони эса 207 (59+148) ва бу 76%дан иборат. Натижада, таклиф этилган методиканинг самарадорлик коэффициенти 24%га тенг бўлди. Иккинчи босқич назорат гуруҳидаги бундай талабалар сони 119 (7+112) бўлиб, улар 52%ни ташкил қилди, тажриба гуруҳида эса бундай талабалар сони 217 (78+139) ва бу 80%га тенг. Ушбу ҳолатда, таклиф қилинган методиканинг самарадорлик коэффициенти 28%га тенг бўлди.

Ўқув тажрибаси якунида ўқув модулининг вазифаларини сифатини баҳолаш бўйича сўровнома ўтказдик. Вазифалар сифатини баҳолаш мезони сифатида "вазифани баҳоланг.....", ва баҳолаш параметри сифати умумэътироф этилган рейтинглар шкаласи асосида: 5 - аъло, 4 - яхши, 3-қониқарли танланди.

Сўров натижаларига кўра ўқитувчиларнинг 60% и вазифаларни аъло, 31% и - яхши, 7% и айрим вазифаларни қониқарли деб баҳолаган, сўров натижаларига кўра аниқлаштирувчи суҳбат ўтказилган ва ўқитувчиларнинг асосий қисми(60%+31%=91%) барча вазифаларни юқори ва яхши деб баҳолади. Ва фақат 7% ўқитувчилар баъзи вазифаларни (1,2,3,6,7,8,9), умуман, 1-2 курс талабалари учун самарали, аммо қийин деб ҳисоблашди. 2% ўқитувчилар вазифаларни 6 ва 7 бандларини баҳолай олмадилар, чунки улар бу турдаги вазифаларни тушунмадилар.

Ишлаб чиқилган воситаларни сифатли таҳлил қилиш орқали биз уларнинг турли хил, информацион тўйинган, касбий аҳамиятга эга, ушбу контингент тақсил олувчиларига тегишли эканлигини ва уларнинг когнитив фаолиятини рухлантиришини аниқладик.

Демак, ишлаб чиқилган модел ва уни амалга оширишнинг ўқув воситалари самарали эканлигини кўрсатди ва бу статистик таҳлил натижалари билан асосланган.

ХУЛОСА

1. Медиасаводхонликнинг янгиланган модели когнитив, коммуникатив, қадрият-семантик компонентларни ўз ичига олади, бу эса аутентик медиа-матнлар ва интернет-технологияларни жорий этиш орқали нолисоний ОТМларда чет тилларни ўқитиш мазмунини янгилаш имконини беради;

нолисоний университетлар талабаларининг танқидий фикрлашини, қадрият ориентирларини ҳосил қилишни, чет тил коммуникатив компетенциясини, тадқиқот қобилияти ва кўникмаларини ривожлантиришга замин яратади.

2. Нофилологик университетларда чет тил дарсларида медиасаводхонликни шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Мутахассислиги тил бўлмаган университетда 1-2 босқич талабалари учун чет тилни яхши ўқитиш ташкил этилган ўқув дастури медиасаводхонликни шакллантиришга (оммавий ахборот воситаларининг функциялари, турлари, хусусиятлари ва бошқаларни билиш) ва шу асосда коммуникатив компетенцияни (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув) ривожлантиришга қаратилиши лозим.

3. Нофилологик университетларнинг 1-2 курсларида медиасаводхонлигини шакллантириш моделининг уч компонентли ўқув тузилишига асосланган бўлиб қуйидаги элементларни ўз ичига олади: «медиа ҳақида ←→ медиа матнлар ўртасидаги ўзаро алоқа ←→ мулоқот жараёнда медиамаълумотлардан фойдаланиш», ва бу қуйидаги келтирилган тамойилларга асосланади: 1) ўқув материали (медиа-матнлар)нинг аутентиклиги; 2) ОАВ материаллари асосида маъноларни шакллантириш ва маъно алмашиш; 3) оммавий ахборот воситалари воситасида алоқа фаолиятини фаоллаштириш; 4) оммавий ахборот воситалари матнларининг таъсир қилувчи функциясига урғу бериш; 5) танқидий фикрлашни ривожлантириш.

4. Чет тил дарсларида медиасаводхонликни интеграллашган ҳолда шакллантиришнинг мазмун-фаолият аспектлари сифатида ўқитишнинг информацион, операцион ва мотивацион компонентлари ва шунга мос равишда информацион, операцион, тадқиқот, репродуктив ва продуктив вазифалари тизими дарсларда медиасаводхонликни шакллантириш интеграцион моделининг мазмун-фаоллиги сифатида аниқлаб олинди.

5. Ўқув тажрибаси жараёнида мезон-диагностика аппарати сифатида қуйидагилар бўлиши мумкин 1) баҳолаш мезони – медиаматнлар билан ишлашда танқидий фикрлашнинг шаклланганлик даражаси; 2) медиа-информациядан фойдаланишга ижодий ёндашув мезони (олинган маълумотларни қайта ишлаш ва қайд қилиш, шунингдек, ундан янги мулоқот шароитида фойдаланиш); 3) лойиҳа ва моделлаштириш - инглиз тилида ўз медиа-маҳсулотини мазкур жанрнинг таркибий ва контент таркибий қисмларига мувофиқ тарзда лойиҳалаш ва яратиш қобилияти.

6. Тажриба натижаларига кўра, экспериментал дастурга асосан таълим олаётган талабаларда медиа-матнларнинг жанрий хусусиятлари ҳақида билимлар шаклланиши, танқидий ва ижодий фикрлаш даражаси (тушуниш, амалда қўллай олиш, анализ, синтез ва баҳолаш)нинг ошиши, баъзи медиа маҳсулотларини мустақил яратиш қобилияти ривожланди. Буларнинг барчасига муаллиф ишлатган интернет технологиялари, турли хил медиа-матнлар ва материални қайта ишлаш ҳамда ўзлаштиришнинг когнитив усуллари ёрдам берди.

7. Амалга оширилган тадқиқот қўйилган вазифаларни ҳал қилиш ва тадқиқот мақсадига эришиш учун қўлланилган усул ва методларнинг тўғри танланганлиги ва муваффақиятлилигини яққол равишда намоён этади. Тадқиқот натижаларини нофилологик ОТМларда чет тилларни ўқитиш амалиётига жорий этиш касбга йўналтирилган таълим сифатини оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

РАЗОВЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ДЖИЗАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУКАДИРОВА НАСИБА АЛИМЖАНОВНА

ФОРМИРОВАНИЕ МЕДИАГРАМОТНОСТИ НА ЗАНЯТИЯХ ПО АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ (B2)

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (английский язык)

АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Джизак – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером № B2020.1.PhD/Ped1319 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете (ГулГУ).

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.jspi.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Махкамова Гульнара Турдахуновна** доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Ахмедова Лайло Талибжановна** доктор педагогических наук, профессор
	Ашуров Шахобиддин Саидович кандидат филологических наук, доцент
Ведущая организация:	**Чирчикский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «____» _____ 2022 года в ____ часов на заседании разового совета на основе Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 по присуждению ученых степеней при Джизакском государственном педагогическом институте (Адрес: 130100, г. Джизак, проспект Ш. Рашидова, 4. Тел: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Джизакского государственного педагогического института (зарегистрирована за № ____) (Адрес: 130100, г. Джизак, проспект Ш. Рашидова, 4. Тел: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2021 года.

(протокол-реестр рассылки за № _____ от «____» _____ 2021 года)

Ф. Н. Джуракулов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.п.н., доцент

Н. Х. Кушвактов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.п.н., доцент

О. Х.Туракулов
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.п.н., проф

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PHD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом сообществе с увеличением информационных потоков диктуется необходимость владения медиаграмотностью специалистами различных сфер производства. Благодаря изучению особенностей медиаобразования, средств и способов формирования медиаграмотности, проводимых в ведущих научно-исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях зарубежных стран получены значимые научные и практические результаты, доказывающие важность использования медиатехнологий и медиатекстов в образовательном процессе.

Актуальность темы настоящего диссертационного исследования заключается в том, что сама методика формирования медиаграмотности на занятиях по иностранному языку (ИЯ) в контексте профессионально-ориентированного образования, а также ценностно-смысловая сторона используемых медиасредств на изучаемом языке малоисследованы в теоретико-прикладном плане в отечественной науке. Важность решения данной проблемы обусловлено тем, что «в настоящее время требуются специалисты, владеющие инновационными формами организации профессиональной деятельности, с устойчивыми национально-ориентированными императивами, которые способны решать поставленные задачи и проблемы, а также знающие иностранные языки и способные проводить научную работу и усовершенствовать методику преподавания иностранных языков»[1].

В последние годы в стране уделяется особое внимание улучшению качества системы обучения иностранным языкам в соответствии с международными стандартами, что обусловливает актуальность данной проблемы исследования. Изучение зарубежного опыта медиаобразования, пересмотр компонентного состава медиаграмотности с учетом специфики обучения ИЯ в неязыковых вузах и обновление методики формирования медиаграмотности на занятиях по иностранному языку в национальном контексте профессионального образования способствует повышению качества формирования медиаграмотности у студентов неязыковых вузов.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан – 2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3160 «О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и развития сферы от 28 июля 2017 года, № ПП-5117 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан» от 19

[1] Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева в школе-интернате имени Исокхона Ибрата Туракурганского района Наманганской области 5 марта 2018 года. Электронный ресурс: http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhm. дата подачи заявки: 05.07.2019 г.

мая 2021 года, в постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 610 «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества преподавания иностранных языков в учебных учреждениях» от 11 августа 2017 года, № 606 «О совершенствовании системы целевой подготовки научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации» от 19 июля 2019 года и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы деятельности, а также ряда других нормативно-правовых документах, и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Вопросы, касающиеся медиаобразования, формирования и развития медиаграмотности, широко дискуссировались в работах зарубежных исследователей. В частности, особенности медиаобразования и информационной культуры рассмотрены в трудах R. Aufderheide, P. Greenway, A. Silverblatt, W.J. Potter, R. Hobbs, Т.Н. Ле-Ван, Н.П. Рыжих, А.В. Федорова, В.Л. Колесниченко[2]; структурно-содержательные особенности медиаграмотности или медиакомпетенции и способы ее формирования – в трудах P. Gilster, R. Kubey, Н.Ю. Хлызовой, Е.В. Мурюкиной, Е.А. Столбниковой, Н.В. Чичериной, Д.В. Залагаева, П.С. Котляра[3] и др.

---

